

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОДИҚОВ БАХРОМ САТТОРОВИЧ**

**КУНГАБОҚАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Содиқов Баҳром Сатторович**

Кунгабоқарнинг замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш  
чоралари.....3

**Содиқов Баҳром Сатторович**

Грибные болезни подсолнечника и меры борьбы с ними .....17

**Sodikov Bakhrom Sattorovich**

Fungal diseases of sunflower and against them .....31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....34

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОДИҚОВ БАХРОМ САТТОРОВИЧ**

**КУНГАБОҚАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx307 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Авазов Сардоржон Эркин ўгли**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Холдоров Мирхалил Ўразбекович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «24» октябр соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538780 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «10» октябр кўни тарқатилди.

(2019 йил «29» август даги №09.1 -рақамли реестр баённомаси)



**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х. Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатлари аҳолиси сонининг йилдан-йилга ошиши, ўсимлик мойига бўлган талабнинг кундан-кунга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида: озиқ-овқат, консерва, лок-бўёқ, алиф, совун, линолеум, парфюмерия, босмахона бўёқларини тайёрлашда, тиббиётда ва асбоб-ускуналарни мойлаш учун ўсимлик мойи ёки ҳайвон ёғидан фойдаланилади. Кунгабоқар 100 дан ортиқ мамлакатларда 135 млн. гектардан ошиқ майдонда етиштирилади ҳамда мой олинадиган энг асосий экинлардан бири бўлиб ҳисобланади. ФАО маълумотларига кўра, кунгабоқарнинг йиллик ҳосилдорлиги турли замбуруғли касалликлар келтирадиган зарари натижасида 40% гача камайиши аниқланган.<sup>1</sup> Ушбу экин дунё аҳолисини озиқ-овқат махсулотларига, жумладан, оксил, углевод ва ўсимлик мойига бўлган талабини қондиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёнинг кунгабоқар етиштирадиган кўпгина мамлакатларида зарарли организмлар кунгабоқар ҳосилига сезиларли даражада хавф туғдирмоқда. Замбуруғли касалликларнинг 8-10 тури, жумладан, сохта ун-шудринг, фомопсис, септориоз, занг, оқ ва кулранг чириш, саватчаларнинг қурук чириши, илдиз чириш, вертицеллёз ва фузариоз касалликлари кунгабоқар ҳосилига ва ҳосилнинг сифатига энг катта зарар етказмоқда. Кунгабоқарни ушбу касалликлардан химоя қилиш ва уларга қарши самарали ҳамда замонавий кураш чораларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда кунгабоқар микобиотаси бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Минтақавий микологик ва фитопатологик манбалар бўйича Ўзбекистон шароитида кунгабоқар касалликлари тўғрисидаги маълумотлар жуда кам, шунинг учун ҳам кунгабоқарда замбуруғлар қўзғатган касалликларни аниқлаш, патоген турларининг культурал-морфологик, биологик хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар долзарб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мулжалланган ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мойли экинларнинг зарарли организмларига қарши самарали кураш усулларини ўз вақтида қўллаш мойли экинларни ҳосилдорлигини оширишда муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3484-сонли қарори ҳамда 2019 йил 16 январдаги «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-4118-сонли қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> FAOstat, 2017. <http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC>

«Йўл харитаси»даги ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Россия, Украина, АҚШ, Хитой, Бразилия, Канада ва Сербия каби давлатларда кунгабоқарни етиштириш, унинг касалликларини аниқлаш ҳамда самарали қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг турли минтақаларида кунгабоқарда касаллик қўзғатадиган замбуруғларнинг тур таркиби, касалликнинг тарқалиши ва унинг ривожланишига биологик баҳо берилган. Хорижий олимлардан А.А.Виприцкая, С.Г.Бородин, С.А.Жуковская, В.Т.Пивень ва В.М.Лукомецлар маълумотига кўра кунгабоқар ўсимлигидан 70 дан ортиқ замбуруғлар қўзғатадиган касалликлар аниқланиб, тадқиқотлар олиб борилган.

Кунгабоқар касалликларининг ташқи белгилари, касаллик қўзғатувчи замбуруғ турлари, уларнинг морфологик, биологик, экологик хусусиятлари, тарқалиш қонуниятлари ва уларнинг келтирган зарарларини тадқиқ этиб, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Фитопатология ва агробиотехнология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган № 2.7. «Доривор ўсимликлар интродукцияси ва ўсимликларни ҳимоя қилишда биотехнологик усулларни ишлаб чиқиш» (2015-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилояти шароитидаги фермер хўжаликлари далаларида етиштирилаётган кунгабоқар ўсимлигидаги замбуруғлар қўзғатадиган касалликларнинг тарқалишини аниқлаш ҳамда улар келтирган зарарини ҳисоблаш, замбуруғларнинг тарқалиш қонуниятларини ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг ҳар хил тупроқ иқлим шароитида экилган кунгабоқар ўсимлигининг касалликларини аниқлаш;

кунгабоқарда аниқланган касалликларнинг ташхисини қўйиш;

йиғилган гербарий намуналаридан касаллик қўзғатувчи замбуруғларни ажратиш олиш ва уларнинг турларини аниқлаш;

кунгабоқар экилган далаларда касаллик қўзғатувчиларнинг кунгабоқар ўсимлигини касаллантириш даражасини аниқлаш;

кенг тарқалган ва ҳавфли касалликларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш;

кунгабоқар касалликларига қарши ишлаб чиқилган кураш чораларининг биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Тошкент вилояти шароитидаги фермер хўжаликлари далаларида экилган кунгабоқар (*Helianthus annuus* L.) ўсимлигининг районлаштирилган «Дилбар», «Юлдуз» ва «Жаҳонгир» навларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот предмети** сифатида кунгабоқарда мавжуд касалликлар, уларнинг ташхисларининг тавсифи, касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг культурал-морфологик, биологик, экологик хусусиятлари, тарқалиш қонуниятлари, етказган зарарлари, касаллик қўзғатувчиларига қарши қўлланилган фунгицидларнинг иқтисодий ва биологик самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Касалланган кунгабоқар ўсимлигидан гербарий намуналарини йиғишда ва замбуруғ турларини ажратишда Н.А.Наумов, М.К.Хохряков, К.Кирай, З.Каменский, В.И.Билай ва бошқаларнинг усулларидан фойдаланилди.

Замбуруғ турлари И.Н.Абрамов, Н.А.Наумов, М.А.Литвинов, А.А.Милько, Т.Г.Мирчинк, В.И.Билай, Н.М.Пидопличко, М.К.Хохряков, В.И.Потлайчук ва бошқалар усуллари бўйича аниқланди. Ўсимликларда касалликнинг ривожланиш даражасини А.Е.Чумаков, И.И.Минкевич ва бошқалар, уларнинг келтирган зарарлари эса А.Е.Чумаков, Т.И.Захарова усуллари ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Замбуруғ турларининг систематик жойлаштиришда G.C.Ainswort, G.R.Bisby монографиясидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг ҳар хил тупроқ иқлим шароитида экилган кунгабоқар ўсимлигининг касалликларини тарқалиши ва зарари аниқланган;

кунгабоқарда аниқланган касалликларнинг ташхислари қўйилган;

йиғилган гербарий намуналаридан касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг тур таркиби аниқланган;

касалланган кунгабоқардан ажратилган замбуруғлар 4 та бўлим, 6 та синф, 6 та тартиб, 9 та оила, 17 та туркум ва 21 та замбуруғ турига мансублиги аниқланган;

кунгабоқар экилган далаларда касаллик қўзғатувчиларнинг кунгабоқар ўсимлигини касаллантириш даражаси аниқланган;

кенг тарқалган ва катта зарар келтирадиган касалликларга қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган кураш чораларининг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар натижасида кунгабоқар ўсимлигида кенг тарқалган ва кўп зарар етказадиган касалликлар аниқланди ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилди, жумладан кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши фунгицидлардан Превикур SL 722 с.э.к. ва Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. фунгицидлари қўлланилди. Сохта ун-шудринг касаллигига қарши Превикур SL 722 с.э.к. (1,5 кг/га) фунгициди 15 кундан кейин энг юқори биологик самарадорлик – 86,0% ни ташкил этди. Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. фунгициди эса бироз пастроқ 82,0% биологик самарадорликни ташкил этди. Кулранг чириш касаллигига қарши Шавит Ф 72% с.э.г. фунгицидини икки хил 2,0 кг/га ва 2,5 кг/га меъёрларда қўлладик. Шавит Ф 72% с.э.г. фунгицидини 2,5 кг/га меъёрда ишлов берилган вариантда баргларда 89,5%, пояда 89,5% ҳамда саватчаларда 89,2% биологик самара олиниб, бу усул ҳам амалиётга тавсия қилинди;

кимёвий воситаларнинг иқтисодий самарадорлигига кўра Превикур SL 722 с.э.к., қўлланилганда 8,3 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, иқтисодий самарадорлик 6 100 000 сўм/га ни ташкил этди, Ридомил Голд МЦ 68% н.кук., вариантида ҳар гектардан 5,6 ц қўшимча ҳосил олиниб, иқтисодий самарадорлик 3 805 000 сўм/га ни ташкил этди. Кунгабоқарнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши энг юқори самара: Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. уруғ дорилагичи қўлланилганда ҳар гектардан 11,8 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, иқтисодий самарадорлик ҳар гектардан 9 355 500 сўм/га ни ташкил этди. Витавакс 200 75% н.кук. фунгицидида эса, мутаносиб равишда, 10,6 ц/га ва 8 394 000 сўм/га қўшимча даромад олинди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тажрибаларнинг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий-тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги, тажриба натижаларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти фитопатология, микология, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий билимларни ҳамда кунгабоқар ўсимлигида касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг биологиясига тегишли маълумотларни кенгайтириш билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кунгабоқар ўсимлигининг вегетация даврида замбуруғлар қўзғатган касалликларни аниқлаш, чуқур илмий ва амалий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ташхисини тўла тавсифлаб бериш асосида касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кунгабоқар ўсимлигининг замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Тошкент вилояти, Пискент туманидаги «Агро Стимул Тех Сервис» фермер хўжалигида 2 гектар кунгабоқар майдонида кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши Превикур SL 722 с.э.к. ва Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. фунгицидларини қўллаш технологияси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 02/023-185-сонли маълумотномаси). Натижада гектаридан 8,3-5,6 центнергача қўшимча кунгабоқар ҳосилини олишга эришилган;

кунгабоқарнинг кулранг чириш касаллигига қарши Шавит Ф 72% с.э.г. фунгицидини қўллаш технологияси Тошкент вилояти, Бўка туманидаги «Шонли Диёр Файз», «Хуррам Рустам Агро», «Офарин Мойтепа», Зангиота туманидаги «Самандар Агро Идеал», Юқори Чирчиқ туманидаги «Оқ тепа оқ олтин» ва «Суранткент Орзу Инвест» фермер хўжаликларида жами 8 гектар кунгабоқар экилган майдонларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 02/023-185-сонли маълумотномаси). Натижада юқори биологик самарадорликка эришилган ва гектаридан 5,2-4,1 центнер қўшимча ҳосил олинган;

кунгабоқарнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши уруғларни Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. уруғ дорилагичи билан 4,0 л/т нормада ишлов бериш жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 02/023-185-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу уруғдориланганда 80,0% биологик самарадорликка эришилиб, назоратга нисбатан 11,8 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган,

илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида кунгабоқарнинг келиб чиқиши, инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кўп қирралилиги, дунё аҳолисининг кунгабоқар мойига бўлган талабини қондириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш учун касалликларнинг географиясини, биологик хусусиятларини, касалликдан ҳимоя қилиш йўллари ва етказадиган зарарларини аниқлаш каби бир қатор маълумотлар таҳлил қилинган. Қарши кураш чоралари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича келтирилган маълумотларнинг тахлилий баёни келтирилган. Шунингдек касалликларнинг уруғ воситасида тарқалишини олдини олиш усуллари ёритилган ҳамда уларни Ўзбекистон шароитида ўрганилганлик даражалари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва илмий ишларни бажариш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий иқлим шароити, тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Кунгабоқарда замбуруғли касалликларининг тарқалиши ва зарари**» деб номланган учинчи бобининг «**Кунгабоқардан ажратилган замбуруғларнинг турлар таркиби**» бўлимида 2016-2018 йиллар давомида олиб борилган тажрибалар ва кузатишлар асосида фермер хўжаликларида экилган кунгабоқарнинг турли хил навларида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турлари аниқланиб улар 4 та бўлим, 6 та синф, 6 та тартиб, 9 та оила, 17 та туркум ва 21 та турга мансублиги исботланган.

Учинчи бобнинг «**Кунгабоқар ўсимлигида асосий касалликларнинг тарқалиши**» деб номланган бўлимида кунгабоқар ўсимлигида асосий касалликларнинг тарқалишини ўрганиш натижалари келтирилган.

2016-2018 йиллар давомида йил мавсумларида Тошкент вилояти бўйича кунгабоқарда замбуруғли касалликларнинг тарқалиши ўрганилганда, сохта ун-шудринг, альтернариоз, оқ ва кулранг чириш касалликлари энг кўп тарқалганлиги аниқланди.

Кунгабоқарда замбуруғли касалликларнинг тарқалиши бўйича тадқиқот олиб борилган худудлардаги кунгабоқарларнинг 46% га яқини у ёки бу касалликлар билан маълум миқдорда касалланганлиги аниқланди.


Учинчи бобнинг «**Кунгабоқар ўсимлигининг асосий замбуруғ касалликлари билан касалланиш даражалари**» деб номланган бўлимида кунгабоқарнинг замбуруғли касалликлар билан касалланиш даражасини ўрганиш натижалари келтирилган.

Кунгабоқарда аниқланган замбуруғлар кўзгатадиган касалликларининг тарқалиши билан касалланиш даражаси орасида анча фарқлар борлиги кузатилди. Жумладан, касалланиш даражаси бўйича сохта ун-шудринг касаллиги 4,0% эканлигини аниқладик. Кулранг чириш касаллиги эса юқори тезлик билан кунгабоқарни ўртача 7,0% дан сал ортиқроқ юзасини эгаллаб олганлиги кузатилди. Навлар бўйича таққослаганимизда «Дилбар» навида

8,0%, «Юлдуз» навида 8,5% ва «Жаҳонгир» навида 4,5% ни ташкил этди. Қолган замбуруғларнинг ўсимликларни касаллантириш даражаси ўртача 0,4-6,8 фоиз оралиғида бўлиб, бу Анпилоговнинг 4 баллик усули бўйича 2 балл ни ташкил этади.

Учинчи бобнинг «**Асосий замбуруғ касалликларининг кунгабоқар ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган бўлимида касалликларнинг кунгабоқар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Олиб борилган тажрибаларимизнинг натижалари бўйича кунгабоқар ўсимлигининг ҳосилини пасайишига энг кўп таъсир қиладиган касалликларга сохта ун-шудринг альтернариоз, оқ ва кулранг чириш киради. Уларнинг ривожланиши натижасида кунгабоқар ҳосилини ўртача пасайиши, тегишлича, сохта ун-шудринг касаллиги деярли барча далаларда аниқланди ва 10,2% ҳосилдорликка таъсир этиши кузатилди. Кейинги ўринларда оқ чириш 9,5%, кулранг чириш 9,4% ва альтернариоз 7,2% ҳосилдорликка таъсир этди. Фомоздан ташқари қолган барча касалликлар 0,2-3,4% атрофида кунгабоқар ҳосилига путур етказиши мумкин. Фомоз касаллиги эса, фақат Тошкент вилоятининг айрим худудларида учраб, 0,1 % ҳосилни пасайтириши аниқланди (1- расм).



**1-расм. Кунгабоқарнинг ҳосилдорлигини камайишига асосий касалликларнинг таъсири.**

Кўп йиллик тажрибаларимиз натижасида шуни аниқладикки, кунгабоқар етиштириладиган далаларда ҳосилдорликка энг катта зарар келтирадиган

замбуруғлар кўзғатадиган асосий касалликлар сохта ун-шудринг, альтернариоз, оқ ва кулранг чиришлар бўлиб, ушбу касалликларга ўз вақтида самарали қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Кунгабоқар касалликларига қарши кураш чоралари**» деб номланган тўртинчи бобида кунгабоқарнинг энг хавфли замбуруғлар кўзғатадиган касалликларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Кунгабоқар касалликларига қарши қўлланиладиган фунгицидларнинг самарадорлиги тўғрисида маълумотлар камлиги ва янги фунгицидларни замбуруғлар кўзғатадиган касалликларга қарши қўллаш ҳақидаги маълумотлар йўқлиги сабабли айрим фунгицидларни касалликларга қарши қўллаш мумкинлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Бунда фунгицидларнинг ҳар хил нормадаги концентрацияси шимдирилган фильтр қоғоз дисклари озуқа муҳитига экилган патоген замбуруғ тури мавжуд Петри лycopчасига жойланди. Петри лycopчалари термостатда 24°C да 2 сутка давомида сақланди. Патогенларнинг колония ҳосил қилишига препаратларнинг таъсири кузатиб борилди.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқаришда чириш ва доғланиш касалликларига қарши қўлланилаётган препаратлардан Шавит Ф 72% с.э.г., Дифен супер 55% с.э.кук., Фундазол 50% н.кук., Фалькон 46% эм.к., Топсин-М 70% н.кук., Титул 390 КЭК., Топаз 10% эм.к. каби фунгицидлар тажрибада синалди. Назорат вариантыда сувдан фойдаланилди. Илмий ишни бажаришда ажиратилган куйидаги фитопатоген замбуруғ турлари тест-культура сифатида қўлланилди: *Botrytis cinerea*, *Alternaria alternata*, *F.oxysporum* ва *Sclerotinia sclerotiorum*.

Олиб борилган тажрибалар асосида энг самарали фунгицидлар Шавит Ф 72% с.э.г. ва Фундазол 50% н.кук. эканлиги қайд этилди.

Бу препарат тупроқ микромицетларига ва ўз вақтида кунгабоқарнинг чириши ҳамда доғланиш касалликларининг ҳам ривожланишини чеклашда яхши кўрсаткичларни намоён қилди. Фалькон 46% эм.к., Топсин-М 70% н.кук., Титул 390 КЭК., Топаз 10% эм.к. фунгицидлари нисбатан камроқ натижа берди, Сегра 80% н.кук. препарати фузариозга ҳеч қандай таъсир этмади, лекин доғланиш ва чириш касалликларига маълум даражада таъсир этди.

Кунгабоқар касалликларига қарши кураш дала тажрибаларимизни илдиз чириш касаллигига қарши курашдан бошладик. Ниҳолларни илдиз чиришдан сақлаб қолиш учун кунгабоқар уруғини экишдан олдин химоя функцияларига эга уруғ дорилагичлар билан ишлов бериш зарур. Фузариоз ва бошқа илдиз чириш касалликларига қарши уруғ дорилагичларнинг энг мақбулини қўллаш катта иқтисодий манфаат ҳисобланади.

Тажрибаларимизда кўплаб қишлоқ хўжалик экинларининг илдиз чириш касаллигига қарши яхши натижалар намоён қилган бир нечта уруғ дорилагичларни синаб кўрдик.

Шу мақсадда, уруғларни экишдан бир ой олдин уруғ дорилагичлар билан ишлов берилди.

Тажрибаларимизда фузариоз илдиз чиришга қарши куйидаги уруғ дорилагичлар қўлланилди: Барака 60% п.с. (1,0 ва 2,0 кг/т), Химоя, 10% суюқ. (100 г/л), (3,0 ва 4,0 л/т), Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. (2,0 ва 4,0 л/т) и Блюмовит с.э.г. (50,0 кг/га). Андоза учун кўплаб экинларнинг илдиз чириш касаллигига қарши курашда яхши натижа берадиган Витавакс 200 75% н.кук. (4,0 ва 5,0 кг/т) танланди.

Тажрибаларимизда Максим уруғ дорилагичи энг юқори натижа қайд этди. Ушбу препаратни 4,0 л/т нормада қўллаганимизда 80,0%, 1,0 л/т нормада қўллаганимизда эса 74,7% биологик самарадорликни қайд этди (1-жадвал).

1-жадвал.

**Уруғ дорилагичларнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши биологик самарадорлиги. (Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани «Оқ тепа оқ олтин» ф/х, 2016-2017 йй.)**

№	Тажриба вариантлар	Қўлаш нормаси, л/т, кг/т	Чикқан кўчатлар сони, дона	Улардан касаллангани, дона	Зарарланиш даражаси, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самарадорлик, %
1	Назорат	-	386	120	31,1	30,0	-
2	Витавакс 200 75% н.кук.	3,0	436	60	13,8	7,7	74,3
	Витавакс 200 75% н.кук.	4,0	444	58	13,1	6,8	77,3
3	Барака 60% пс.	1,0	412	62	15	10,2	66,0
		2,0	423	60	14,2	10,8	64,0
4	Химоя 10% суюқ.	3,0	415	67	16,1	10,3	65,7
		4,0	422	65	15,4	10	66,7
5	Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к.	2,0	448	55	12,3	7,6	74,7
	Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к.	4,0	449	53	11,8	6,0	80,0
6	Блюмовит с.э.г.	50	408	62	15,2	10,1	66,3

ЭКФ<sub>05</sub>

3,4

Витовакс препарати эса самарадорлик жихатида иккинчи ўринни қайд этди. Ушбу препарат 4 л/т нормада қўлланилганида фузариоз билан зарарланиш 6,8% ни, биологик самарадорлик эса 77,3% ни ташкил этди. Қўллаш нормаси 3 л/т га пасайиши билан биологик самарадорлик ҳам пасайиб 74,3% дан ошмади.

Навбатдаги дала тажрибаларида кунгабоқарнинг кулранг чириш касаллигига қарши Шавит Ф 72% с.э.г фунгицидини икки хил меъёрда; 2,0 кг/га

ва 2,5 кг/га қўлладик. Такқослаш учун Топсин-М 70% н.кук. фунгицидини 2,0 кг/га меъёрда қўлладик. Шавит Ф 72% с.э.г фунгицидини 2,5 кг/га меъёрда қўллаганимизда энг яхши натижа кўрсатди. Биологик самарадорлик баргларда 89,5%, саватчаларда 89,2% ни ташкил этди. Топсин-М 70% н.кук. фунгициди бироз пастроқ натижа кўрсатди. Биологик самарадорлик баргларда 72,8%, саватчаларда эса 75,0% ни ташкил этди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Фунгицидларнинг кунгабоқарда кулранг чириш касаллигига қарши биологик самарадорлиги. (Тошкент вилояти, Пискент тумани «Агро Стимул Тех Сервис» ф/х, 2017-2018 йй.)**

№	Тажриба вариант-лари	Қўллаш нормаси, кг/га	Зарарланган органлар	Зарарланиш, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самарадорлик, %
1	Шавит Ф 72% с.э.г.	2,5	Барглар	14,2	3,2	89,5
			Поя	11,0	4,1	89,5
			Саватчалар	12,1	3,8	89,2
2	Шавит Ф 72% с.э.г.	2,0	Барглар	15,7	5,2	83,0
			Поя	10,3	7,0	82,1
			Саватчалар	11,5	5,9	83,2
3	Топсин-М 70% н.кук.	2,0	Барглар	8,1	8,3	72,8
			Поя	7,6	8,5	78,3
			Саватчалар	9,2	8,8	75,0
4	Назорат (ишлов берилмаган)	-	Барглар	62,3	30,5	-
			Поя	46,5	39,2	-
			Саватчалар	56,6	35,2	-

ЭКФ<sub>05</sub>

3,7

Сохта ун-шудринг касаллигига қарши кураш тажрибамизда помидорнинг фитофтороз касаллигига қарши яхши натижа кўрсатган Превикур SL 722, с.э.к. фунгицидини қўлладик. Такқослаш учун Сапроль 20% эм.к. ва Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. препаратларидан фойдаландик.

Превикур SL 722 с.э.к. препаратининг биологик самарадорлиги 1,5 кг/га нормада ўрганилди. Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. 82,0% биологик самарадорликни ташкил этди. Превикур SL 722 с.э.к. препарати 86,0% ни ташкил этди. Сапроль 20% эм.к. препарати қўлланилганда эса нисбатан пастроқ, 79,5% биологик самарадорликни ташкил этди (3-жадвал).

Шундай қилиб, Превикур SL 722 с.э.к. фунгициди кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши 1,5 кг/га нормада қўлланилганда энг юқори биологик самарадорликка эга.

**Кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги. (Тошкент вилояти, Пискент тумани, «Шонли Диёр Файз» ф/х, 23.05.2018 й.)**

№	Тажриба вариантлари	Қўллаш нормаси, кг/га	Зарарланиш, %	Касалликнинг ривожланиши, %	Биологик самарадорлик, %
1	Ридомил Голд МЦ 68% н.кук.	2,5	5,3	3,6	82,0
2	Превикур SL 722 с.э.к.	1,5	4,2	2,8	86,0
3	Сапроль 20% эм.к.	1,0	5,7	4,1	79,5
4	Назорат (ишлов берилмаган)	-	22,5	20	-

ЭКФ<sub>05</sub>

2,9

Кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши қўлланилган фунгицидлардан Превикур SL 722 с.э.к. фунгицидини 1,5 кг/га нормада қўллаганимизда энг юқори иқтисодий самарадорликни кўрсатди. Жумладан, ҳосилдорлик 24,5 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 6 100 000 сўмни, рентабеллик эса 544,7% ни ташкил этди.

Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. фунгицидини 2,5 кг/га нормада қўллаганимизда, ҳосилдорлик 21,8 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 3 805000 сўмни, рентабеллик эса 449,3% ни ташкил этди.

Кунгабоқарнинг ҳосили бўйича олинган соф фойда Превикур SL 722 с.э.к. фунгициди ишлатилган вариантда қўшимча ҳосил 8,3 ц/га ташкил этди, Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. ишлатилган вариантда қўшимча ҳосил 5,6 ц/га ни ташкил этди.

Кунгабоқарнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши уруғ дорилагичлар орасида эса қўлланилган Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. ва Витавакс 200 75% н.кук. препаратлари юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди. Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. препарати ишлатилиб етиштирилган кунгабоқарнинг ҳар бир гектаридан қўшимча ҳосил 11,8 ц/га, иқтисодий самара эса 9 355 500 сўм/га ни ташкил этди. Витавакс 200 75% н.кук. ишлатиб етиштирилган кунгабоқарнинг ҳар бир гектаридан қўшимча ҳосил 10,6 ц/га, иқтисодий самарадорлик эса 8 394 000 сўм/га ни ташкил эди.

### ХУЛОСАЛАР

1. 2016-2018 йиллар давомида Тошкент вилояти шароитида кунгабоқарнинг замбуруғли касалликларини ўрганиш натижасида *Mycota* оламига мансуб 4 та бўлим, 6 та синф, 6 та тартиб, 9 та оила, 17 туркумларга кирадиган 21 хил касаллик қўзғатувчилари топилди.

2. Кунгабоқарда замбуруғли касалликларнинг тарқалиши бўйича энг кўп сохта ун-шудринг – 7,4%, кулранг чириш – 7,2%, оқ чириш – 6,4% ни ташкил этди, вертицеллез, питиоз ва қора чириш касалликлари эса энг кам 1,0% атрофида эканлиги аниқланди.

3. Кунгабоқар касалликларининг ривожланиш даражаси бўйича сохта ун-шудринг, альтернариоз, оқ ва кулранг чиришлар энг кўп (6,8-7,2% атрофида) эканлиги аниқланди.

4. Тажрибада олинган натижалар асосида шуни айтиш мумкинки, кунгабоқарнинг оқ чириш касаллигига қарши курашда Фундазол 50% н.кук. фунгициди билан 2,0 кг/га меъёрда ишлов берилса юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин ҳамда кунгабоқар ўсимлигидан юқори ҳосил олишга имкон беради.

5. Кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши қўлланилган фунгицидларнинг энг самаралиси Превикур SL 722 с.э.к. 1,5 кг/га ва Ридомил Голд МЦ 68% н.кук. 2,5 кг/га бўлиб, юқори биологик ва иқтисодий самарадорликни кўрсатди. Сапроль 20% эм.к.фунгицидининг таъсири эса ўртача эканлиги аниқланди.

6. Кунгабоқарнинг фузариоз ва бошқа илдиз чириш касалликларига қарши қўлланилган фунгицидлар орасида Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. ва Витавакс 200 75% н.кук. энг юқори биологик ва иқтисодий самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

7. Кунгабоқарнинг кулранг чириш касаллигига қарши курашда Шавит Ф 72% с.э.г фунгициди билан 2,5 кг/га меъёрда ишлов берилса юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин ҳамда кунгабоқар ўсимлигидан юқори ҳосил олишга имкон беради.

8. Кунгабоқарнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши Превикур SL 722 с.э.к. фунгициди энг юқори иқтисодий самарадорликка эга эканлиги аниқланди. Жумладан, ҳосилдорлик 24,5 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 6 100 000 сўмни, рентабеллик эса 544,7% ни ташкил этди.

9. Кунгабоқарнинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши уруғ дорилагичлар орасида Максим XL 035 FS, 3,5% сус.к. ва Витавакс 200 75% н.кук. препаратлари юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

10. Тажрибаларимиз натижасида, касалликларга чидамлилиги юқорилиги аниқланган, кунгабоқарнинг «Жаҳонгир» нави бошқа навларга нисбатан касалликларга бардошли эканлигини ҳисобга олиб, ушбу нави экиш тавсия этилади.

11. Кунгабоқарнинг энг кенг тарқалган касалликларига қарши курашда, сохта ун-шудринг касаллигига қарши вегетация даврида Превикур SL 722 с.э.к. фунгицидини 1,5 кг/га меъёрда, кулранг чириш касаллигига қарши Шавит Ф 72% с.э.г. фунгицидини 2,5 кг/га меъёрда, оқ чириш касаллигига қарши Фундазол 50% н.кук. фунгицидини 2,0 кг/га меъёрда ва альтернариоз касаллигига қарши Фоликур БТ 25% эм.к. фунгицидини 0,15 л/га сарф-меъёрда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**СОДИКОВ БАХРОМ САТТОРОВИЧ**

**ГРИБНЫЕ БОЛЕЗНИ ПОДСОЛНЕЧНИКА И МЕРЫ БОРЬБЫ С НИМИ**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx307.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

Авазов Сардоржон Эркин угли  
доктор сельскохозяйственных наук

**Официальные оппоненты:**

Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич  
доктор биологических наук, профессор

Холдоров Мирхалил Уразбекович  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

Научно-исследовательский институт  
растенисводства

Защита диссертации состоится «24» октябрь 2019 года в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1- этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 598780). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «10» октябрь 2019 года.

(реестр протокола рассылки номер 091 от «29» август 2019 года).



Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.с/х.н., доцент

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Ежегодное увеличение численности населения в мире ведёт к повышению потребности в растительных маслах изо дня в день. Во всех отраслях народного хозяйства: пищевой, консервной, лако-красочной промышленности, для изготовления олифы, мыла, линолеума, парфюмерии, типографской краски, в медицине и в качестве смазки различного оборудования используют масла растительного и животного происхождения. Подсолнечник высевается в более чем 100 странах мира на площади 135 млн. гектаров, а также считается основной масличной культурой. По данным ФАО, годовая урожайность подсолнечника снижается до 40% за счёт вреда наносимого различными грибными болезнями<sup>1</sup>. Данная культура имеет особое значение при удовлетворении потребностей населения земли в пищевой продукции, в частности, в белке, углеводах и растительных маслах.

Во многих странах мира, возделывающих подсолнечник, вредные организмы создают существенную опасность его урожайности. 8-10 видов грибных болезней, в частности, мучнистая роса, фомопсис, септориоз, ржавчина, белая и серая гниль, сухая гниль корзинок, корневая гниль, вертициллёз и фузариоз наносят наибольший вред урожайности и качеству урожая подсолнечника. В этой связи, защита подсолнечника от этих болезней и разработка эффективных и современных мер борьбы против них является одной из наиболее актуальных проблем на сегодняшний день.

В Узбекистане отдельных научных исследований по изучению микобиоты подсолнечника не проводилось. В региональных микологических и фитопатологических источниках сведений о болезнях подсолнечника в условиях Узбекистана очень мало, в связи с чем, актуальным является проведение научных исследований по определению грибных болезней, установлению культурально-морфологических, биологических особенностей патогенных видов и разработке мер борьбы против них. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены приоритетные задачи по «...разработке и внедрению мер защиты растений от болезней и вредителей». Своевременное применение эффективных методов борьбы против вредных организмов подсолнечника является важным мероприятием по повышению его урожайности.

